Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

21 сентябрь, чоршанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 185 (933)











## ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги муносабати билан Президент фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз республиканинг олий орден ва медаллари билан тақдирланган эди. 20 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Президент Ислом Каримов очди.**

Муҳтарам ватандошлар! Бугун биз қувончли ва ҳаяжонли бир воқеа муносабати билан учрашиб турибмиз, деди Президент.

Маълумки, мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ўрнак кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳи олий нишонларга сазовор бўлган эди.

Бугун биз "Дўстлик" орденини дастлабки соҳибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йиғилдик.

Лекин, ижозатларингиз билан, аввало сўзни ўша Фармонда биринчи бўлиб зикр этилган "Мустақиллик" орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, "Мустақиллик" ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адиб ва улуғ инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онггини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир.

Бу буюк зот ўз жонини, ўз истеъдодини ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги, халқимизнинг бахту саодати йўлида фидо қилди. Унинг ҳаёт ва ижоддаги саботи ва ҳалоллиги, авлодлар қалбида ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий – бизнинг замондошимиз. Унинг муборак номи ва руҳи ҳамиша биз билан бирга.

Насиб этса, яқинда Ўзбекистон халқи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Ўша тантанали кунларда буюк ёзувчимизнинг зурёдларига Абдулла Қодирий орзу этган ва азиз жонини бағишлаган буюк мақсад – мустақиллик номи билан юритиладиган энг биринчи орденни топширамиз деган эзгу ниятимиз бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бобомиз Амир Темур: "Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир" деб авлод-аждодларимизга васият қилган эканлар, дейди Ислом Каримов, бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш – улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир. Шундай ғоя-мақсад билан яшаётган инсонлар бугун шу залда тўпланганлар.

Бугун сизларга – "Дўстлик" орденининг илк соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнунман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта хизмат кўрсатган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, шундай олижаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнақи, порлоқ истиқболи учун улкан ҳисса қўшаётган – адиблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, кўп миллатли зиёлилар ва ишчилар – халқимиз вакилларини бағримга босмоқчиман ва уларни "Дўстлик" ордени билан чин қалбимдан табрикламоқчиман.

Ишонаманки, сизлар бу орденни фахр ва ғурур билан кўксингизга тақиб юрасиз. Ишонаманки, бу орденлар ҳаммамизни сизлар каби элга сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантиради.

Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга куч-ғайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

Президент Ислом Каримов фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун "Дўстлик" орденига сазовор бўлганларга юксак мукофотларни топширди. Шунингдек, республика Миллий хавфсизлик хизмати Раиси Ғ. Алиев ва Ўзбекистон Олий суди раиси У. Мингбоевга "Жасорат" медали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада кўрсатган матонат ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилган эди. Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов ана шу юксак унвонни топшириб, "Олтин Юлдуз" олий нишонини юртбошимиз кўксига тақиб қўйди. Йиғилганлар Президент Ислом Каримовни олий мукофот билан қизғин қутлади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Б. Рапиғалиев, А. Орипов, У. Аширбеков, Шукрулло, З. Муҳаммаджонов, Зулфия, И. Афанасьева, Т. Екель, В. Пак, Т. Каримова камтарона хизматлари юксак қадрлангани учун миннатдорлик билдириб, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислом Каримов маросим сўнггида. Бу ҳам бўлса, шу юртни бахтли-саодатли қилиш. Илоҳим, шу уйимиз, ягона хонадонимиз – Ўзбекистонга қўнган бахт қуши – тинчлик, осойишталик, барқарорлик бизни тарк этмасин. Юрт тинч, халқимиз ризқ-рўзи тугал, фарзандларимиз омон бўлсин. Мен иродаси бақувват, иймони бутун халқимга яна бир марта таъзим қиламан. Ҳаммамизга Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш насиб этсин. Ана шу йўлда барчамиз елкадош бўлайлик.

Тантанали маросимда республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**Аҳмад ХЎЖА, (ЎзА).**

**Шоназар ИБРОҲИМОВ (Халқ сўзи) ва Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) суратлари.**

---

### ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 21 сентябрь куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар зали фойесида рўйхатга олинади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 22 сентябрь куни соат 9 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

---

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизга Югославия Иттифоқ Республикаси халқлари номидан ва ўз номимдан самимий табрик йўллайман ҳамда Ўзбекистон Республикасининг дўст халқи фаровонлиги йўлида мамлакатингизга равнақ тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро фойдали ҳамкорлик бундан буён ҳам дўстлик руҳида, халқимиз манфаати ҳамда жаҳонда тинчлик йўлида тараққий этаверади, дея ишонч билдираман.

**Зоран ЛИЛИЧ,**
**Югославия Иттифоқ Республикаси Президенти**

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизни Югославия Иттифоқ Республикаси ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан чин дилдан табриклайман ҳамда мамлакатингизга ҳар томонлама равнақ ва фаровонлик тилайман.

Имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро фойдали ҳамкорлик келгусида ҳам халқларимиз, шунингдек, дунёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида ривожланишига ишончим комил эканлигини изҳор этаман.

**Доктор Радо КОНТИЧ,**
**Югославия Иттифоқ Республикасининг Иттифоқ ҳукумати раиси.**

---

*• «Оқ олтин»-94*

**"Оқ олтин" туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги пахта далаларига ҳар куни бир ярим мингдан ортиқ теримчи чиқяпти. Уларнинг ҳар бири бир кунда ўртача 60-65 килограммдан ошириб пахта теряпти.**

## ҲАР БЕШ КУНДА ИШ ҲАҚИ БЕРИЛЯПТИ

Аслида бу хўжалик ҳар йили асосан машина теримига суяниб келган. Айни дамда қўл теримига оммавий киришишнинг сабаби теришга ҳаракат қилишяпти. Чунки бундан уларнинг ўзи моддий манфаатдор. Бошқача айтганда ҳар беш кунда ҳисоб-китоб нимада?

– Ғўзаларнинг баргини тўкиб, машина теримига шароит яратиш ишларини деярли якунладик, – дейди ширкат хўжалиги раиси З. Ёқубов. – Мавжуд 106 та пахта териш машинаси шай ҳолатда турибди. Шунга қарамасдан биз кутиб ўтирмай, қуёшли кунлардан унумли фойдаланиш мақсадида қўл теримини авж олдириб юбордик. Машиналар тўлиқ ишга тушгунча теримчиларимиз деярли бир ярим минг тонна ҳосилни йиғиб-териб олиши мўлжалланаяпти.

Ҳозирги кунда хўжалик пахта майдонларида пахтакорлар билан бир қаторда юқори синф ўқувчилари, турли хил ташкилот ва корхона ишчилари, Гулистон тиббиёт билим юртининг 750 нафардан ортиқ талабалари меҳнат қилишмоқда. "Бобур" ширкат хўжалиги раҳбарлари уларга яхши шароитлар яратиб беришган. Теримчилар кундан-кунга имкон қадар кўпроқ пахта қилиниб, теримчилар ўз меҳнат ҳақини нақд пул билан қўлига олишяпти. Бунинг устига шу беш кун давомида 500 килограмм ва ундан ошириб пахта терган теримчиларга қўшимча равишда 100 сўмдан мукофот бериляпти. Бундай тадбир кун сайин меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келяпти.

– Шаҳарликларнинг бизнинг хўжаликка келиб меҳнат қилишлари учун барча қулайликларни яратишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди хўжалик раиси З. Ёқубов. – Хўжалик ўз ҳисобидан талабаларни полиз маҳсулотлари, хўл мева ва сабзавот билан таъминлаяпти. Техника хизмати бўйича муаммо йўқ.

Бобур номли ширкат хўжалиги пахтакорлари бу йил давлатга ўн минг тоннадан ошириб "Оқ олтин" етказиб бермоқчи. Режани уддалаш учун пахтазорларда ҳосил мўл. Йиғим-терим ишлари эса кун сайин авжига чиқяпти.

***Ж. АБДУҚОСИМОВ.***

---



### 1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 20 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

| Вилоятлар | Режага нисбатан фоиз ҳисобида тайёрлангани | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Жами | | Шу жумладан машинада терилгани | |
| | Бир кунда | Мавсум бошидан бери | Бир кунда | Мавсум бошидан бери |
| Бухоро | 3,48 | 45,38 | 0,25 | 0,90 |
| Хоразм | 2,48 | 34,65 | 0,09 | 0,18 |
| Навоий | 2,98 | 31,18 | 0,48 | 2,29 |
| Сурхондарё | 2,46 | 29,77 | 1,09 | 5,61 |
| Самарқанд | 2,49 | 27,04 | 0,88 | 5,30 |
| Фарғона | 0,53 | 24,99 | 0,01 | 0,68 |
| Андижон | 1,33 | 21,12 | 0,04 | 0,11 |
| Қашқадарё | 2,45 | 19,28 | 0,84 | 4,51 |
| Наманган | 0,57 | 11,69 | 0,00 | 0,37 |
| Қорақалпоғистон республикаси | 1,30 | 10,05 | 0,07 | 0,24 |
| Жиззах | 0,26 | 6,03 | 0,06 | 0,56 |
| Тошкент | 0,36 | 5,34 | 0,00 | 0,01 |
| Сирдарё | 0,11 | 3,99 | 0,00 | 0,00 |
| Республика бўйича | 1,56 | 20,67 | 0,30 | 1,63 |
| 1993 йилгиси | 0,94 | 4,41 | 0,08 | 0,17 |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта** | | | | |
| Қашқадарё | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Наманган | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Сурхондарё | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Ўзбекистон Республикаси бўйича жами | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| 1993 йил шу кунгача тайёрланган пахта | 0.85 | 6.89 | 0.00 | 0.00 |

*● Муҳаммад Раҳимхон — Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан*



# ДИЛБАР АШЪОРЛАРУ, МАЙИН ОҲАНГЛАР ОҚҚАН ҚАЛБДАН ЭЗГУЛИК НУРЛАРИ ҲАМ ОҚУР

**Хоразмда ўзбек маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган шоир ва бастакор, атоқли давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон — Феруз таваллудининг 150 йиллигига катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Шу йил 24-25 сентябрь кунлари кўҳна Хивада тўй тантаналари, анжуманлар бўлиб ўтади.**

**Шу муносабат билан мухбирларимиз Хива шаҳри ва тумани ҳокими, юбилейни ўтказувчи ташкилий қўмита раиси Э. А. РАҲМОНОВ ҳузурида бўлди.**

**— Эркин Абдуллаевич, маълумингизким, кўп асрлар мобайнида ҳаёт синовидан ўтган, ўз замонаси учун мақбул идора усули саналган хонлик тузумини, халқ ва давлат хизматига камарбаста не-не юртбоши, элбошиларни ёмонотлиққа чиқариш, эл кўзига "олабўжи" қилиб кўрсатиш, бой маданий-маърифий тарихимизни топташ, бўяш шўролар даври сиёсатининг муҳим жиҳатига айланганди. Бундай "мурувват"дан кўҳна санъатимиз ва маданиятимиз пешвоси, хон Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони Соний — Ферузнинг муборак руҳи ҳам "бебаҳра" қолмади. Айтинг-чи, уни халқ бағрига қайтариш, қолаверса, Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил март ойида қабул қилган қарори асосида ул муборак зотнинг юбилейига ҳозирлик кўриш борасида рўёбга чиқарилган ишлар нималардан иборат?**

— Халқимиз мустақиллик аталмиш улуғ неъматдан баҳраманд бўлдию қадриятларимиз қадр топди, азалий халқ анъаналарига кенг йўл очилди, бой маданиятимиз, давлатчилигимиз тарихи устига чаплаб ташланган оқ ва қора доғлар олиб ташлана бошланди. Бобомиз Ферузнинг пок номи ҳам ана шу жараёнда бағримизга қайтди. У табаррук зотнинг 150 йиллик юбилейини нишонлаш юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарор эса бу борадаги кўламдор саъй-ҳаракатларга катта маънавий илҳом, амалий куч бағишлади. 47 йилдан зиёд Хива тахтини бошқарган давлат арбоби, ижод аҳллари ҳомийси, дилбар шеърлар, оҳанглар муаллифининг бой ҳаёти ва фаолияти хусусида халқимизда холис фикр мужассамлашди. Қадим Хивада Феруз номи билан боғлиқ табаррук қадамжолар, унинг раҳнамолиги билан қурилган қасрлар, саройлар, илм масканлари, маданият ўчоқлари, шифохоналар, деҳқончилик ва мироблик иншоотлари, ҳунармандлик устахоналарини, боғ-роғларни кўплаб учратасиз. Тўй боис уларнинг аксарияти, чунончи Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, Сайид Моҳи рўйи жаҳон мақбараси (бу ерда бобомизнинг табаррук хоки ётибди), Қибла ва орқа Тозабоғ ёдгорлик мажмуалари, у киши яшаган ва хонлик ишларини юргизган бинолар таъмирланди.

Бундай хайрли юмушлар ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Ферузнинг ҳаёти ва аркони давлатдаги фаолиятига бағишлаб бир неча китоблар, рисолалар яратилди, мамлакат ойнаи жаҳони орқали бадиий-тарихий видеофильмлар кўрсатилди. Тўй олдидан воҳамиз шаҳар ва қишлоқларида шеър ва қўшиқ оқшомлари, мароқли суҳбат ва учрашувлар уюштирилаётир. Шоир қўшиқлари ижрочиларининг вилоят кўрик-танлови, унда ғолиб чиққанларнинг эса "ойнаи жаҳон"даги чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Юбилей муносабати билан чарм қўлқоп усталарининг халқаро мусобақалари, бошқа спорт баҳслари, ранг-баранг адабий ва бадиий маърифий тадбирлар давом этаяпти. Байрам куни Феруз мадрасасида тантанали очиладиган музей адабиёт ва санъат аҳлларигагина эмас балки, барча элдошларимизга, сайёҳ ва меҳмонларга ҳам катта совға бўлади.

**— Эркин ака, анчадан буён кўриб, кузатиб ва эшитиб юрибмиз: одамлар Феруз юбилейини ҳамма жойда яна бир улкан тўй олдидан ўтказилажак "машқ-репетиция" деб айтиб юришибди. Бу гаплар бежиз айтилмаётганини таъкидлашга эса ҳожат йўқ. Уни сиз қандай изоҳлаган бўлурдингиз?**

— Чиндан ҳам шундай. Бобомиз тўйи — бундан кейин ўтказиладиган юбилей ва тантаналарнинг ўзига хос дебочасидир. ЮНЕСКО қарорига кўра 1995 йили қадим Хивамизнинг 2500 йиллик тўйи халқаро миқёсда нишонланиши фикримиз далилидир. Аммо, айтиб қўяй, бу унутилмас санани муносиб нишонлаш учун ҳали кўп иш қилинмоғи, етарли маблағлар ажратилмоғи, яна ҳам кўламдор илмий-археологик тадқиқотларга қўл урулмоғи даркор.

Шаҳримиз юбилейи билан баббаравар яна бир халқаро анжуманнинг ҳам шоҳиди бўлишингиз мумкин. Гап хивалик аллома, шоир, файласуф, тасаввуф ва тариқат илмининг атоқли намоёндаси — Кубравийлик йўналишининг асосчиси шайх Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги ҳақида кетаётир. Бу катта тўйга Кубравийлик тариқати кенг тарқалган Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Ироқ ва бошқа хорижий эллардан меҳмонлар, вакиллар таклиф қилиш ниятимиз бор.

Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони Соний юбилейини ўтказиш айёмида кейинги ташкилий ва амалий ишларимиз учун аниқ хулосалар келиб чиқиши ва галдаги қўша тантаналарга қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Шундай экан, воҳамизда бошланаётган тўй маросимини бўлғуси тантаналарнинг "машқи-репатицияси", дея аташаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

**— Ундай бўлса айтинг-чи, ушбу тўй дастури, ҳамюртларингиз ва меҳмонлар кутаётган тантаналар нималардан иборат?**

— Ўтказилган ва ўтказилаётган шеърхонликлар, мусиқа кечалари, илмий-маърифий анжуманлар, баҳс ва мунозаралар тўй тантаналари амалда бошланиб кетганидан далолат беради. Аммо барча асосий маросимларни 24 ва 25 сентябрь кунларига мўлжаллаганмиз. Шу кунларда қадим Хиванинг Ичон ва Дешон қалъаларида халқ сайллари бўлиб ўтади. Таниқли ҳофизлар, созанда — гўяндалар Феруз ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар, у басталаган мусиқаларни ижро этишади. Ижодкор бобомиз ҳомийлик қилган халқ санъати, юртимиз маданияти не мақомга етишгани шубҳасиз кўз-кўз қилинади. Юбилей тантаналари Хивадан ташқари вилоят маркази — Урганчда, ҳатто пойтахт — Тошкентда ҳам давом этади. Чунончи, Огаҳий номидаги вилоят театрида катта юбилей кечаси, Урганч давлат университети ва мамлакатимиз пойтахтида нуфузли илмий-оммавий анжуманлар бўлиб ўтади.

Феруз бобомизнинг тўйига марҳабо, азиз дўстлар!

**"Халқ сўзи" мухбирлари**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**Шоназар ИБРОҲИМОВ**
**суҳбатлашди.**

*● Муштарий илҳоми*



# ЮРАКДА — ҲАЁТ ЗАВҚИ

Бағри қуёш ватаним —
Кўнглимга сочар зиё.
Юракда ҳаёт завқи.
Севинч сиғмас жаҳонга.
Фидо бўлмоқ дил аҳди
Онам — Ўзбекистонга.

### ГУЛЛАЁТГАН ЗАМОНА БУ

Ўтиб кетар бедор кунлар,
Шўри кетган пешона бу.
Ёруғ тонглар отаётир,
Бахтли кундан нишона бу.
Мағрур ўтган боболардек
Тик тутингиз бошни мудом.
Мудҳиш кунлар ўтди-кетди,
Ортга қайтмас даврон-да бу!
Тирикликнинг ғавғосини
Таъна қилманг менга асло.
Тирикликдан айирмасин,
Кўпга келган тўёна бу.
Парво қилма, Юсуф, чунки
Мустақиллик қўлингдадир.
Синалмоқда бардош — идроқ,
Гуллаётган замона бу.

### МУСТАҚИЛ ЮРТ

Мен ҳаёт ошиғиман.
Илҳомларим — тошқин дарё

### МЕҲР

Умр оқар дарёга ўхшар.
Меҳр билан гўзал бўлади.
Одамзодки, меҳр-ла яшар.
У меҳрсиз гулдай сўлади.
Меҳр жаҳон мулкидир тенгсиз,
Юрак — боғнинг ширин меваси.
Сеҳри мисли булоқ; онамиз —
Бизни жондан ортиқ севади.
Меҳр борки, оқибат ўлмас.
Узилмайди дўстлик иплари.
Муҳаббатнинг қуёши сўнмас,
Марҳумларнинг шоддир
руҳлари...

### КЕЛАР БИР КУН...

Севмам, десанг, ишонмайман,
Хиёнатдан нишона йўқ.
Сабога мен дардим айтсам,
Деди: ундай ҳамхона йўқ.
Кўнгил истар ўшал гулни,
Йўлларини тополмадим.
Кўнгил билан дил кўпригин —
Қуролмадим, ҳеч чора йўқ.
Хаёл билан боғлаб кўнглинг,
Оғушингда тебранаман.
Орзу бунча ширин экан,
Таърифига поёна йўқ.
Юрагимда меҳр чўғи,
Оловланар тобора ер,
Менинг учун бу дунёда
Сендай гўзал, ягона йўқ.
Юсуф, бунча ғусса чекдинг,
Ахир бари ўткинчидир.
Қошингга ёр келар бир кун,
Келмасликка баҳона йўқ.

### ТЎРТЛИКЛАР

Мардларга мардлик қил, бир кун
қайтади,
Халқингга хизмат қил, олқиш
айтади.
Оллоҳ барисидан хабардор эрур,
Не қилсанг ёз қайтар, ё қиш
қайтади.

***

Кимнинг қандай инсонлигин,
Баҳосини халқ айтади.
Синаб-синаб, ахир бир кун
Вафосиздан эл қайтади.

**Юсуф ЁҚУБ,**
**Навоий шаҳри.**

# МАҚСАД — ЖАҲОН БОЗАРИГА ЧИҚИШ

**Андижондаги "Шоҳрух" тижорат ишлаб чиқариш фирмаси хўжаликлардан пахта толаси харид қилиб, уни қайта ишлаб, тўқилган матодан кийим-кечак тайёрламоқда.**

Тадбиркорлар ўзини оқламаётган саноат корхоналари биноларини ҳам сотиб олиб, уларда тўқув ва йигирув цехлари очишаяпти. Шундай цехлардан бири вилоят марказидаги "Андижонирмаш" заводи қуюв цехи ўрнида ташкил этилди ва унда трикотаж маҳсулотлари тўқиш йўлга қўйилди. Цехда ойига тўрт тоннагача мато тўқилаётир. Мақсад — элнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришу ўз маҳсулоти билан жаҳон бозорига чиқишдир.

## ҚИДИРИЛМОҚДА



Николай Миронович Пак, 1917 йил туғилган, миллати кореес.

Бўйи 162-164 сантиметр, озғин, сийрак соқолли ва м йлови бор. Сарғиш рангдаги кастюм ва туфли кийган.

Шу йилнинг 17 сентябрь куни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган. Қарияни кўрганлар Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали хабар қилишлари мумкин: 35-00-02, 33-24-25 (Юнус-обод ички ишлар бўлими) ва 35-59-78.

Хабар етказганга суюнчи берилади.

*● Футбол*

# «НЕФТЧИ»НИНГ ИМКОНИЯТИ КАТТА

**Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсларни муваффақиятли давом эттиряпти. Ўтган куни чемпионимиз Эрондан қайтиб келди. У ерда "Нефтчи" мамлакат чемпиони "Сайпа" жамоасига қарши майдонга чиқди.**

Бизга маълум қилишларича, жамоамиз ҳар томонлама устунлик қилган. Дастлаб ҳисобни "Нефтчи"нинг ярим ҳимоячиси Андрей Федоров очган. Шундан сўнг майдон эгалари ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишган. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай "Нефтчи" ҳисобда олдинга чиқди. Бу гал тўп муаллифи Сергей Лебедев бўлди. Эронликлар эса кўп сонли мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида яна ҳисобни тенглаштиришга эришишди. Учрашув дуранг натижа (2:2) билан тугади.

Албатта, бу натижа бизнингча "Нефтчи"ни қониқтиради. Чунки рақиб майдонида киритилган икки тўп чемпионимизнинг 23 октябрда ўтказиладиган жавоб ўйинидаги мушкулини бирмунча енгиллаштиради. Агар Фарғонада ўтказиладиган такрорий учрашувда 0:0 ёки 1:1 ҳисоби қайд қилинса ҳам "Нефтчи" кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритади. Лекин ўйлаймизки, ушбу жуфтлик ғолиби сафарда киритилган тўпларга қараб аниқланмайди. Чемпионимиз ўз мухлисларининг олқишлари қўмагида ажойиб ўйин кўрсатиб, ғалаба қозонади.

# СОВРИНЛАР УЧУН КУРАШ КЕСКИН ТУС ОЛЯПТИ

**Шанба куни мамлакат чемпионатининг 16-турдаги кечиктирилган учрашувлари ўтказилди.**

Турнир жадвалида иккинчи поғонани эгаллаб турган Бухоронинг "Нурафшон" жамоаси ўз майдонида Нукуснинг "Орол" клубини йирик ҳисобда (7:1) мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабадан сўнг бухороликлар тўплаган очколарини 30 тага етказиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Бу йилги чемпионатнинг кумуш медали учун "Нурафшон" билан рақобатга киришган жамоалардан бири "Политотдел" ўз майдонида бир очко йўқотди. Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси билан ўтказилган учрашувда ҳисоб очилмади.

Совринлар учун кураш олиб бораётган МҲСК жамоаси ҳам сафарда "Янгиер" билан дуранг ўйнади — 1:1.

Ҳозирча турнир жадвалида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси 34 очко билан якка пешқадамлик қиляпти. "Нурафшон"да 30, "Политотдел" ва МҲСК жамоаларида 27 очко бор. Навбатдаги тур учрашувлари бугун ўтказилади. "Нефтчи" ўз майдонида "Янгиер"ни қабул қилади. "Нурафшон", "Политотдел", МҲСК жамоалари эса сафарда "Гулистон", "Навбаҳор", "Наврўз"га қарши майдонга чиқишади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Job Announcements

United Nations Office in Uzbekistan

The United Nations Office is soliciting applications for the following four positions:

1. National Coordinator for the National Human Development Report

The Coordinator will undertake the organizational and substantive work to produce a national human development report for Uzbekistan. The term "human development" means people-centered development as compared to purely economic development. It will entail the collection, estimation and analysis of human development indicators including statistics on life expectancy, access to health, access to safe water and sanitation, daily calorie supply, adult literacy etc. This report will be a useful tool for monitoring changes in the level of development and for contributing to the national development dialogue and policies.

Qualifications: the coordinator must have an advanced university degree in economics and/or statistics and must have ten years relevant work experience. Knowledge of English is essential.

The position is available immediately. Qualified women are encouraged to apply. Applicants should pick up an application form at the reception desk at the UN Building, 4 Taras Shevchenko. Deadline is 8 October. For further information contact Bakhtior Islamov, 39-85-41.

2. UN Information Assistant

The UN information assistant assists the Head of the UN Office and the Information Officer in the development of information programmes on the work of the United Nations. Duties include

1. Liaison with local media, non-governmental organizations and educational institutions to promote awareness of UN;
2. Preparation of press releases, newsletters, features for local distribution;
3. Arranging press conferences and briefings;
4. Monitoring local press for news relevant to UN activities; transmits such news to Headquarters;
5. Distributing UN documents to Government and the public;
6. Running the UN Information Centre including its on-line facilities and data bases;
7. Assisting in the organization of UN observances.

Qualifications: University degree; good understanding of local culture and traditions; good knowledge of the organization of the local media; five years work experience in journalism; fluency in Russian, Uzbek and English. Computer literate; knowledge of word perfect and other software programmes.

The position is available immediately. Qualified women are encouraged to apply. Applicants should pick up an application form at the reception desk at the UN Building, 4 Taras Shevchenko. Deadline is 15 October.

3. National Project Manager

The United Nations Office is recruiting a national project manager to manage the implementation of various UN projects in Uzbekistan. He/she would have overall responsibility for the smooth-running of selected projects, in particular the Umbrella Project, which provides expert assistance to different sectors in the form of short and long-term specialists. In addition to project management, the successful candidate will also be responsible for programme design and development and any duties assigned by the UN Representative.

Qualifications: Advanced university degree, fluent spoken and written English; minimum of five years professional experience in a relevant position, good understanding of the economic and social situation in Uzbekistan, knowledge of word perfect and other software programmes.

The position is available immediately. Qualified women are encouraged to apply. Applicants should pick up an application form at the reception desk at the UN Building, 4 Taras Shevchenko. Deadline is 15 October.

4. Head of Unit for Women in Development (WID)

The United Nations Office is in the process of establishing a programme on women in development. The Head of the WID UNit would promote women's active participation in socio-economic activities in Uzbekistan. Duties would include but not be limited to the following:

1. Development of a programme for disaggregated gender statistics;
2. Cooperation with the national machinery for the advancement of women;
3. Develop a forum for non-governmental organizations.
4. Organize training workshops;
5. Design income generation programmes;
6. Assist in women's netowrking and credit group formation;
7. Undertake any other activity which would promote the status of women in Uzbekistan.

Qualifications: The Head of the Unit has to be an eminent and experienced woman with a high status as a professional, so as to be able to mobilize women, obtain collaboration at the national and the international level. She should have

---an advanced university degree in sociology, economies, management or law;
---ten years experience in a responsible positions such as head of a department, institute, programme or NGO;
---publication of papers relating to development and women's issues;
---excellent managerial skills in organizing programmes.

Languages: fluency in English is essential.

Applicants should pick up an application form at the reception desk at the UN Building, 4 Taras Shevchenko. Deadline is 15 October.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси пахтачиликни замонавийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Жўра Қориевга онаси

**Мафурат ҒУЛОМОВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жамоаси маъмурий-хўжалик бўлимининг етакчи мутахассиси Мамлакат Нишоновага умр йўлдоши

**Имомхон НИШОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов, навбатчи — Б. Остонақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №0001 Буюртма Г. — 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2 Босишга топширилди — 21.50.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти — 21.00. 1 2 3 4 5 6